



ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Келдиёров Олим

СамДУ, юридик факультети, ҳуқуқшунослик
ва ҳуқуқий таълим кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6789914>

ARTICLE INFO

Received: 28th May 2022

Accepted: 22nd June 2022

Online: 25th June 2022

KEY WORDS

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларга муносиб таълим бериш, Вояга етмаганлар билан ишлаш, ёшларни бандлигини тامينлаш, жиноятларни олдини олиш.

ABSTRACT

Мазкур мақолада соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришида, зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг қўламда ишлар бажарилмоқда. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида бир қатор механизмлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёшларга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, уларнинг касб-хунар ўрганишлари, олган касблари бўйича меҳнат қилишлари учун зарур ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий шароит яратиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда. “Ёшлар йили” деб эълон қилинган 2008 йилда амалга ошириладиган Давлат дастурида энг муҳим вазифа сифатида ёшлар ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг кафолатларини кучайтириш вазифаси энг долзарб қилиб белгиланган. Ўзбекистон Республикасида ёшлар алоҳида имтиёзга эга табақа сифатида давлат ва жамият томонидан ардоқланади. Бунда уларга иқтисодий, ижтимоий ва бошқа

масалаларда кенг қўшимча имкониятлар яратилган бўлиб, булар орасида меҳнат қилиш ҳуқуқлари етакчи ўринда туради. Вояга етмаган фуқароларга бандлик соҳасида қўшимча кафолатлар берилган бўлиб, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотлар улар учун қўшимча иш жойларини квоталаб қўйишлари, Бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан ишга йўлланган ўсмирларни эса белгиланган иш жойларига ишга қабул қилишлари, уларга ишлаб чиқаришнинг бевосита ўзида шогирдлик асосида касб-хунар ўрганишлари учун имконият яратиб беришлари кетрақ. Меҳнат шартномаси тузиш ва ишга қабул қилиш чоғида вояга етмаганлар учун қўшимча



кафолатлар назарда тутилган. Жумладан, уларнинг саломатлиги ва маънавий ахлоқий тарбияси муҳофаза этилиши учун моддий жавобгарлик билан боғлиқ ишларга, ўриндошлик асосида 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилинишлари таъқиқланади. Шунингдек, қонун ҳужжатларида 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмайдиган касблар, ишлар назарда тутилган, 1991 йил 31 август санаси биз учун қандай сана, байрам эканлигини жуда яхши биласиз. Бу йил мустақил давлатимиз 17 ёшга тўлади. Ёш давлат ҳам мисоли бир ёш оиладек гап. Оила то шаклланиб, иқтисодий мустақилликка эришгунига қадар маълум давр керак бўлади. Бу давр мобайнида оила ўз келажаги учун қайғуради, оила аъзолари елиб, югуради. Бу ишлар пухта ўйланган, муайян режа асосига қурилади. Бу режалар, айтиш мумкин бўлса, ислохотлар режаси ҳисобланади. Шу маънода Ўзбекистонимизда ҳам бугунги кунда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда ва энг муҳими, ислохотларнинг мақсади инсон ва унинг манфаатлари учун йўналтирилгандир. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда нафақат фуқаролик муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар, балки 18 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар ҳам ўзларининг фуқаролик субъектлилик мақомидан фойдаланиб иштирок этишлари мумкинлигини эса, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ёшларнинг ўрни алоҳида эканлигидан далолат беради. Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган

ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини ташкил этади.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2008 йилни юртимизда “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ва ҳукуматнинг махсус дастурлари қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, биз соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломлик эмас, балки шарқона одоб-ахлоқ ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонларни тушунамиз. Олий Мажлис бу борада давр талабларига жавоб берадиган, энг қўлай, илғор тажрибаларга таянган ва узвий боғлиқ бўлган қатор қонунлар қабул қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида “Вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”, деб белгиланиши, бу борадаги давлат ҳимоясининг ҳуқуқий пойдеворини яратиш ва жамиятимиздаги сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ўзгаришлар вояга етмаган шахсларга оид ижтимоий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш жараёнини жадаллаштиришга олиб келди. Бу соҳадаги ижтимоий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш вазифасига эга бўлган “Ўзбекистон Республикаси давлат ёшлар сиёсати асослари тўғрисида”ги 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган қонуннинг мантиқий давоми сифатида 2008 йил 7 январда “Бола ҳуқуқларининг



кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ҳаётимизнинг салмоқли қисмини эгаллайдиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни мамлакатимизда юқоридаги қонун ҳужжатларидан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳам тартибга солади ва мустаҳкамлайди.

Ушбу муносабатларнинг марказий иштирокчиси бўлган фуқаро (жисмоний шахс) тушунчаси айнан мазкур қонун ҳужжатида берилган. Унга кўра, фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Фуқаролар, шу жумладан, вояга етмаган шахслар ҳам ҳаётда энг кўп дуч келадиган муносабатлар – бу фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардир. Хўш, бу қандай муносабатлар? Кундалик ҳаётимизда биз кўплаб муносабатларга киришамиз. Масалан, эрталаб туриб, электр энергияга, сувоқавага, иссиқ ва совуқ сувга, газга мурожаат қиламиз, кўчага – ишга ёки ўқишга отланамиз, транспортга чиқамиз, умумий овқатланиш масканларига кириб, қорғимизни тўйғазамиз, кино, театр, стадионларга тушиб, маънавий озуқа оламиз. Бу – ҳали ҳаммаси эмас. Сиз фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси сифатида хусусий банк, фермер хўжалиги, хусусий корхона, нотариал контора, адвокатура очишингиз; “Ротшильд ва унинг ўғиллари” (Англия), “Дойче-банк” (Германия) банкларининг, жаҳонга машҳур Coca-Cola, McDonalds компанияларининг мамлакатимизда шўъба корхоналарини очишингиз, ўз

ҳаётингиз ва соғлиқингизни турли бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилдиришингиз мумкин. Биласизми, бу ҳақда жаҳон ҳамжамияти тинчлик, тотувлик ва ўзаро ҳамкорлик, бирдамлик йўлини танлаган. Юқоридаги ҳолатлар 1948 йил 10 декабрь куни қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида (бундан кейинги ўринларда Декларация деб юритамиз – муаллифлар) ўз аксини топган.

Шу маънода олганда, Декларациянинг муқаддимасида инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига (шу жумладан, вояга етмаганларга ҳам – таъкид муаллифларники) хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигига эътибор берилганлиги бежиз эмас. Шунингдек, сизнинг шаън, қадр-қиммат, шахсий дахлсизлик, номга бўлган ҳуқуқингиз ҳам бошқа ҳуқуқ (жумладан, жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ) соҳалари қатори фуқаролик ҳуқуқи билан ҳам кўриқланишини билишингиз муҳим. Бир сўз билан айтганда, буларнинг барчаси фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардир. Чунки ушбу муносабатларнинг негизида муайян мол-мулк, манфаат ва шартномавийлик ётади. Ушбу муносабатлар мамлакатимизда ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси – фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинади ва мустаҳкамланади. У бир қатор тенг ҳуқуқли субъектлар – фуқаролар, юридик шахслар ва давлат ўртасида юз беради. Юқоридагиларни умумлаштириб, фуқаролик ҳуқуқи юридик жиҳатдан тенг бўлган субъектлар ўртасидаги мулк ва



шахсий номулкий муносабатларни тартибга соладиган ва мустахкамлайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисиدير, деб айтиш мумкин. Ушбу ҳол Декларациянинг 1-моддасида “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан би-родарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”, деб таърифланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, сиз ҳаётингизда ҳуқуқнинг бошқа соҳалари – меҳнат ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи билан ҳам тўқнаш келишингиз мумкин. Аммо айтинг-чи, улар билан ҳар дамда тўқнаш келишингиз мумкинми? Бирдан “йўқ”, деб жавоб беришингиз табиий. Ўйлаб кўринг – меҳнат ҳуқуқи билан фақат муайян корхонада ходим сифатида ишлаётганингизда, бевосита меҳнат жараёнида тўқнашасиз, солиқ ҳуқуқи билан, дейлик, ер со-лиғи билан солиқ қонунчилигига биноан йилда икки марта, божхона ҳуқуқи билан – қачонки Ўзбекистон сарҳадларидан ташқарига чиқил-ганда ёки кирилганда тўқнаш келасиз. Биласизми, сиз жиноят ҳуқуқи билан умуман тўқнаш келмаслигингиз мумкин, агар жиноят кўчасига кирмасангиз, жиноят қонунчилиги билан тақиқланган, айбли ижти-моий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) қилмасангиз, жи-ноий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлмайсиз. Хулоса ўзин-гизга, сиз юқоридаги ҳуқуқ соҳаларида дам-бадам ёки умуман қат-нашмаслигингиз мумкин. Аммо фуқаролик ҳуқуқидан айро туша ол-майсиз. Ушбу ўринда биз сизнинг мулкдорлик қиёфангизни очиб

бермоқчимиз. Нима деб ўйлайсиз – Сиз айни ҳозирги пайтда ўзин-гизни мулкдор деб ҳисоблайсизми? Мулк ўзи нима эканлиги ҳақида қандай билимларга эгасиз? Ушбу ҳолатлар мамлакатимизда ва жаҳон ҳамжамиятида қайси ҳужжатлар билан тартибга солинади деб ўйлайсиз? Ушбу ҳужжатларга кўра, сиз қандай ҳуқуқ ва мажбурият-ларга эгасиз? Ушбу масалаларда бирон-бир низо, келишмовчилик ке-либ чиққанда, уни қандай тартибда ҳал қилиш, кимга мурожаат қи-лишни биласизми, сизнинг ҳуқуқларингизни ким ва қандай ҳимоя қи-лишини биласизми? Ана шулар ҳақида сўзламоқчимиз.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширилиб келинмоқда. Жамиятимизда изчил амалга оширилаётган мақсадли йўналишларидан бири-баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда келажакни тафаккур ва интеллектуал салоҳияти етук авлод орқали ривожлантиришдан иборатдир.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-



шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширилиб келинмоқда. Жамиятимизда изчил амалга оширилаётган мақсадли йўналишларидан бири – баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда келажакни тафаккур ва интеллектуал салоҳияти етук авлод орқали ривожлантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон 1991 йилдан халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлган ҳолда халқаро майдонда ўзига хос йўл билан ривожлана бошлади. Конституцияга асосан ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўли танланилиб, бу йўлда Бирлашаган миллатлар ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган умумэътироф этилган стандартларни ўз миллий қонунчилигига имплементация қилишни тизимли тартибда ташкил этди.

Мустақилликнинг дастлаки йилларида давлат истиқболи ва келажакги вояга етмаганлар ва ёшларнинг жисмоний соғлом, етук билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишига боғлиқ эканлиги эътироф этилди.

Жумладан, 1994 йилда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича ратификация қилган халқаро стандарт БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси бўлди. Кейинчалик, “Қуролли можароларда иштирок этишига тааллуқли бўлган болалар ҳуқуқи бўйича Факультатив протокол” ҳамда “Болалар савдоси”, “Болалар проституцияси ва болалар порнографиясига тааллуқли бўлган

болалар ҳуқуқи бўйича Факультатив протокол”лар ҳам ратификация қилди. Мустақилликнинг илк йилида Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатнинг устувор йўналишлари сифатида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, шунингдек бола ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бажарилишини таъминлаш каби йўналишлар белгиланди.

Бу эса ўз навбатида давлатнинг келгусида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояси, уларнинг камолатга эришиши йўлида амалга ошириладиган ислохотларнинг йўналишини белгилаган асосий ҳужжатлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунга келиб вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида бир қатор хорижий давлатларга намуна бўладиган даражадаги илғор ҳуқуқий асос ва механизмлар яратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Конституцияси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунлари, Фуқаролик процессуал, Оила, Уй-жой, Меҳнат, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ҳамда бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида



бола ҳуқуқлари тегишли соҳалар бўйича тартибга солинди.

Ўз навбатида ҳар қандай ҳуқуқий давлатда бола ҳуқуқларини халқаро меъёрий-ҳуқуқий стандартларга мувофиқлиги, қонун томонидан кафолатланиши, мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилиши, уларнинг камол топиши учун етарли шароитлар яратиши билан бир қаторда, бу борада барча давлат ва нодавлат органлар маъсулиятини оширади.

Ёшларни таълим ва тарбияси даражаси келгусидаги жамиятда уларнинг мавқеини, давлат миқёсида таълим-тарбияси даражаси эса давлатнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини белгилаб беради.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёшларга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. “Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак. Шу мақсадда, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришимиз, ўрта ва олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилашимиз керак”.

Президентимизнинг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарори билан ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини

сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги кунда Ўзбекистон Респубилкасида кенг кўламда амалга оширилаётган ислохотларнинг тақдири ва мамлакатнинг келажаги Республика аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил қилган ёшларнинг ижтимоий - сиёсий фаоллиги билан боғлиқ.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларида ишлаётган бўлиши, ишлаб чиқаришнинг зарарли омиллари улар саломатлиги аҳволи, нормал ўсиб камол топишларига нечоғлик таъсир қилаётганлиги ҳамманинг, шу жумладан ота-оналар, меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларнинг диққат марказида туради. Ишлаб чиқариш жараёнида ўсмир ходим соғлиғи ёки бошқа манфаатларига хавф-хатар туғилгудек бўлса, юқоридаги органларга уларни бартараф этиш юзасидан зарур ваколатлар берилган. Ушбу шарҳланаётган моддага биноан ўн саккиз ёшга тўлмаган ходим билан тузилган меҳнат шартномасини улар ташаббусига кўра бекор қилиши ҳам ана шундай ваколатлардан биридир. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнат қилаётган ишлаб чиқариш шароитлари улар саломатлигига зиён етказадиган бўлса, бажараётган иш уларга хавф-хатар туғдирса улар билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 106-моддаси 6-бандига кўра, яъни меҳнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган



ҳолатлар бўйича бекор қилиниши мумкин. Бунда ўсмир билан тузилган меҳнат шартномаси ота ёки онанинг, фарзандликка олувчи, ҳомий ёки васийнинг, меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар (меҳнатнинг техник инспектори ва бошқа назорат қилувчи органлар), вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларнинг талаби билан иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг 106-моддаси 6-бандига кўра бекор қилиниши лозим.

Меҳнат шартномаси унинг тарафлари келишувига кўра, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгитланган ҳолларда ва тартибда улардан бирининг ташаббусига кўра ўзгартирилиши мумкин. Ходимни унинг розилигисиз доимий бошқа ишга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномаси қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

- 1) тарафларнинг келишувига кўра. Ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;
 - 2) тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
 - 3) муддатнинг тугаши билан;
 - 4) тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;
 - 5) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра;
 - 6) янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан.
- Меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисидаги шарт меҳнат шартномасида бу шартнома иш берувчи

томонидан корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифаси-ни амалга оширувчи ходим билан тузилганда, шунингдек, қонунда йўл қўйиладиган бошқа ҳолларда ҳам назарда тутилиши мумкин

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

вояга етмаган — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;

- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси — вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, яқка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

ижтимоий жиҳатдан хавфли, аҳволда бўлган вояга етмаган — вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган;

ижтимоий жиҳатдан хавфли, аҳволда бўлган оила — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш



ва туларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила;

назоратсиз — ота-она ёки ота-она ўрнини тўсовчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори нazorатсиз қолган вояга етмаган;

якка тартибдаги профилактика иши — ижтимоий-тижратдан хавфли, аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация

қилиш ҳамда тўвояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа тўғйриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг тўлдини олишга доир фаолият;

қаровсиз — аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган;

тўғйриижтимоий хатти-ҳаракатлар — вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки, ақл-ирода тўфаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни тўистеъмол қилишида, фўҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

References:

- [1] Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // www.uza.uz – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-сайти
- [2] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил, 9-сон, 128-модда.
- [3] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 328.
- [4] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 433.
- [5] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 583-модда.
- [6] асб юзасидан ўз вазибаларини лозим даражада бажармаслик: жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари/ Юрид.фан. бўйича фалсафа док. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2019
- [7] Бондаренко Д.В. К вопросу о юридической ответственности медицинских работников // Медицинское право. 2006. №4.



[8] асб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик: жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари/ Юрид.фан. бўйича фалсафа док. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2019–

[9] Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // www.uza.uz – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-сайти.